

## **ЁШЛАРНИ ОНГ ВА ҚАДРИЯТЛАРГА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ДАВРИДА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВЛАРИ**

**Аҳмедова Санобар Одиловна**

*Наманган шаҳар 12-умумий ўрта таълим мактаби давлат тили фани*

*Ўқитувчиси*

### **Аннотация**

*Ушба мақола ўқувчи ёшларни дин, ахлоқ, маданият, қадриятларга, ахлоқ ва дин тушунчалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиши. Оммавий маданият таҳдидидан асралиши, глобал муаммоларнинг ечимларига эътибор қаратиши, ҳаётнинг барча жабҳаларига нисбатан мутлақо ўзгача ёндашувлар билан қараш.*

### **Калит Сўзлар**

*маданият, дин, ахло, этика ва эстетика тушунчалари, миллий қадриятлар, Сукрот ва Афлотун, Арасту ва Хегеллар катта эътибор берган бу м авзунинг ўз тарихига эга эканлигига шубҳа қилмаймиз. Спитамен, Муқанна ва Жалолиддин Мангуберди тўғрисидаги асарларда, Алпомиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсона ва дostonлар.*

Ҳар бир давр ижтимоий ҳаёт жабҳаларига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бугунги давр бутун дунёга ахборотнинг мисли кўрилмаган тарзда янгилашиши, қадриятларнинг қайта баҳоланиши билан боғлиқ бўлган глобал жараёнларни тақдим этмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳасида жадаллашувини, бошқача қилиб айтганда эса глобаллашувни кўришимиз оддий ҳол бўлиб қолди. Глобал дунё ичида қадриятлар, ҳаётнинг барча жабҳаларига нисбатан мутлақо ўзгача ёндашувларни талаб қилиши билан характерланмоқда. Аслида Глобаллашув-умумлашув, ижтимоийлашув деган маъноларда келади. Агар бу глобаллашув маданий жихатдан амалга ошириладиган бўлса бир нгечта халқларнинг миллий ўзлигини аста – секинлик билан емирилишига олиб келади. Жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда, тинчлик ва осойишталикни мустахкамлашда ижтимоий тартибини таъминлаш механизмларидан бўлган ахлоқ ва дин каби ижтимоий институтларнинг аҳамияти бекиёсдир. Ижтимоий онгнинг турли шакллари бўлган ахлоқ ва дин ўртасидаги ўзаро муносабат бир неча минг йиликлар олдин вужудга келган бўлсада, бугунги пасмодерн дунёда ҳам ўзгача моҳият касб этиб бормоқда.

Ахлоқ ва диннинг моҳияти, улар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи, диннинг ахлоқийликни таъминлашдаги ўрни, унинг жамиятда узоқ даврлардан буён етишмовчилик вазифасини бажариб келганлиги каби масалалар турли ижтимоий-гуманитар, фалсафий фанлар, хусусан этиканинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида тадқиқот объекти бўлиб келган. Бугунги глобаллашув даврида ушбу икки ижтимоий институт, ижтимоий онг шаклининг ўзаро таъсирлашгувида кескин сифатий ўзгаришлар рўй бермоқдаки, бу кўплаб фанлар қаторида этика фанинг

олддига ҳам янги тадқиқотлар ўтказиш вазифасини қўймоқда. Ахлоқ ва дин тушунчалари бир-бири билан доимо ёнма-ён турадиган тушунчалардир. Ахлоқ тушунчаси инс оният пайдо бўлгандан сўнг одамлар дунёни, табиатни ўрганиш натижасида пайдо бўлган ва ҳозирги кунга қадар шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Ахлоқ ва дин ўртасидаги муносабат, диний эътиқод ва дунёвийликнинг бир-бирини тақазо этиши ёки этмаслиги масаласи, дин ва ахлоқнинг ўзаро мутаносиблиги ва айни вақтда фарқли жиҳатлари каби масалала узоқ йиллардан буён илмий мунозаралар учун асос бўлиб келмоқдаки, бу кўплаб омилларни ушбу икки тушунчанинг ўзаро келишувчи нуқталарига эътибор беришга ундаб келмоқда.

Дин ва ахлоқнинг мазмун-моҳияти фалсафий ёндашув билан ҳам таҳлил қилинган. Ушбу икки ижтимоий онгнинг кўриинишини ўзаро алоқадор жиҳатларига тўхталашдан олдин бу икки тушунчанинг моҳиятига эътибор қаратиб ўтсак. Аввало дин тушунчасига тўхталсак. Барчамизга маълумки дин араб тилига таржима қилинганда “Эътиқод”, “Ишонч” деган маъноларни англоатади. Инсоннинг руҳий-маънавий олами билан боғлиқ тушунча бўлиб, унинг атроф муҳитга, оламнинг яратилишга ҳаётнинг асл мазмунига нисбатан ҳиссий кечинмалари, маълум бир ҳаёт тарзи, ижтимоий онгнинг ўзига хос шаклини ифодалайди. Ушбу тушунчага турлича нуқтаи назар билан таъриф бериш мумкин. Дин-инсонни куршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни ва коинотдаги барча нарсаларни яратган айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий борлиққа ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак кураш таълимотидир. Дин- дунёқараш ва инсонлар ўртасидаги муносабат шакли, шунингдек, Худо ёки турли илоҳлар, илоҳий борлиқнинг мавжудлигига асосланган турмуш тарзи ва ҳаракатлар мажмуасини ҳам ифодалайди. Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, дин турли фанлар, хусусан диншунослик фалсафа, этика, маънавиятшунослик, психология фанларида фаннинг хусусият қонуниятларидан, тадқиқот предметидан келиб чиққан ҳолда турлича талқин этилади. Аслида дин тушунчасини пайдо бўлишида икки хил қараш бўлиб, уламолар диннинг пайдо бўлишини илоий куч сифатида баҳолайди ва ижтимоий ҳаётда талқин этиб келмоқда. Илм фан фойдаланувчиларининг фикрига кўра дин бу ижтимоий ҳодисаларнинг инсоният пайдо бўлганидан сўнг табиат илмларини билмаслиги натижасида маълум бир табиат ҳодисаларидан ажабланиш ва кўрқиш натижасида пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Лекин нима бўлганда ҳам ижтимоий ҳаётда ахлоқ ва дин инсонларни доимо яхшилик қилишга ўзга бир инсон ёки табиатга нисбатан озор бермасликка чақиради.

Ахлоқ тушунчаси ҳақида ҳам тўхталадиган бўлсак: “ахлоқ” тушунчаси арабча хулқ сўзининг кўплиги кишўилар орасида муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб, қоидалар фиғиндисидир кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг м уаян ижтимоий меъёрлари сифатида ҳам талқин этилади.

Эстетика- Юнонча сўздан олинган бўлиб, ҳис қилувчи, ҳиссий тарбия деган маъноларни англатади. Инсон билан дунё ўртасидаги қадрият муносабатининг ўзига хос томонларини ва кишиларнинг баддий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафий фан. “Эстетика” терминини немис файласуфи А.Баумгартен илмий муомалага киритган Эстетиканинг синоми си фатида гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, баддий ижод фалсафаси, иборалари қўлланилиб келинган. Эстетика нафосат, дид, гўзаллик, хунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик ҳаётийлик сингари категориялар билан иш кўради. Улар орасида нафосат тушунчаси алоҳида ўрин эгаллайди. У бир томондан, эстетик англашнинг барча жиҳатларини, иккинчи томондан эстетик хусусиятларни-амалда гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик жиҳатларини ўз ичига олади .

Қадриятлар тўғрисидаги фан ҳақида гаплашадиган бўлсак- бу Аксиология- аксио-қадрият, логос фан, таълимот маъноларини англатади. Фалсафанинг бу масаласини ўрганадиган ва у билан шуғулланадиган соҳаси бўлади. Истиқлол туфайли қадриятлар тўғрисидаги қарашларимиз шитоб билан ўзгарди. “мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир”, деб ёзган Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романида , Худди шндай, “Қадрият ўзи нима?” саволига жавоб беришдан олдин мавзунинг тарихини қисқача бўлсада ўрганмоқ лозим. Бусиз қадриятларнинг бугун ва келажакдаги ахамиятини тушунтириб бўлмайди.

Қадрият – бу кадр сўзидан олинган бўлиб кадрламоқ, эъзозламоқ маъноларини билдиради. Урф-одатлар, анъаналарни кадрлаш келажак авлодларга етказишга хизмат қилади. Қадриятлар ёшларга ўша миллатнинг асар, дostonлар, лапарлар, куй ва кўшиқлар ва бошқалар орқали сингдириб борилади. Бу асар ўша халқнинг миллий ўзлигини йўқотмасликка хизмат қилади. Қадриятлар мавзаининг тарихи, илдизлари ва инсониятга хос кадрлаш тамойиллари шаклланиши узоқ ўтмишга эга Ғарб олимлари бу борада, асосан, Европа маданий мероси ва ғояларига таянадилар, кўплаб алломаларнинг номларини тўғрига оладилар. Биз Сукрот ва Афлотун, Арасту ва Хегеллар катта эътибор берган бу мавзунинг ўз тарихига эга эканлигига шубҳа қилмаймиз. Спитамен, Муқанна ва Жалололдин Мангуберди тўғрисидаги асарларда, Алпомиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсона ва дostonларда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик каби кўплаб умуминсоний қадриятлар тасвирланган. Маънавий меросимизнинг ёрқин намунаси – “Авесто” зардуштийликнинг муқаддас китоби меъзонлари, ўша даврдаги миллий ғоялар ёрқин ифодаданган. Шу билан бирга, умуминсоний маданиятнинг бебаҳо дурдоналарини яратган Улуғбек, Лутфий, Навоий, Бобур каби улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган хизматларини айтмасликнинг иложи йўқ. Уларнинг ҳаёт йўлидан, асарларидан, ибратли ва хикматли сўзларидан андоза олиб уларнинг қадриятларидан ўрнак олсак арзийди.

Инсон қадри. Истиқлол инсон қадри, унинг манфаат ва эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни долзарблаштириб юборди. Инсон қадри унинг ижтимоий хусусиятлари,

жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва атроф-муҳитга муносабати, камолотга етганлиги, ижтимоий хусусиятларни ўзлаштириб олганлиги ва уларни маънавий қиёфасида намоён қила олганлигида ҳам кўринади. Одам боласининг шахсга айланиши, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узоқ йиллар давом этади. Умуман, одамзод наслининг ҳозирги авлоди учинчи минг йилликни кутиб олаётган бугунги кунларда бутун дунёда кадрлаш фалсафасининг умуминсоний мезонларини амалиётда қўллашга эҳтиёж кучайди. Таассуфки, инсон зоти сайёрамизда яшаган илк даврдан бошлаб кадр ва кадриятни устувор билганида, Ер юзининг замонавий манзараси бутунлай бошқача тус олган, кишиликни экологик бўҳронлар, уруш хавфи ва маънавий таназзул каби умумбашарий муаммолар кутиб турмаган бўлармиди?

Бугунги кунга келиб, инсоният яна табиат ва одамзод наслининг уйғунлигини сақлаб қолиш учун кадр ва кадрият ниҳоятда зарур эканлигини англади. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошланишидаги биринчи беш йилликлар БМТ томонидан «Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги» дея эълон қилинганлиги, кишилик жамияти эса янги минг йилликка умуминсоний кадриятларни барқарор қилишга бел боғлаб ўтаётганлиги бежиз эмас. Ҳозирги ўзбекистонда инсон манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, кадрлашнинг умуминсоний тамойилларини устувор қилиш билан боғлиқ фаолиятлар бутун жаҳонда бу борадаги умумий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳаракатининг таркибий қисмига айланмоқда.

Ёшлар ва кадрлаш тамойиллари. Инсоннинг бутун умри шахсий кадриятларни такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва ундаги содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Суқротнинг «ўз ўзингни англа!» — шиори ғоят катта аҳамият касб этади.

Шахснинг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий, тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб, сайқаллаб боради, унинг ўзи эса ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон боради. Кадриятлар ёшларга ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради. Ҳозирги даврда талаба ва ўқувчиларга кадрлаш ва кадрсизланиш жараёнларининг моҳиятини англашиш, мустақиллик эълон қилган кадриятларнинг аҳамиятини тўғри тушунтиришга эришиш ниҳоятда долзарб масаладир.

Ёшлар, хусусан талабалар ва ўқувчиларни маънавий баркамол авлод вакиллари сифатида тарбиялаш ва шакллантиришда кадр ва кадрлаш туйғуси, кадриятлар

категорияси, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги билимларнинг мажмуаси бўлган замонавий аксиология, яъни қадриятшуносликнинг асосларини ўргатиш ниҳоятда муҳим. Ана шу сабабдан ҳам умуминсониятнинг кадрлаш меъёрлари борасида тўплаган ютуқларини умумлаштирган билим соҳалари имкониятидан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигининг асосий мезонларидан биридир.

Мустақиллик давридаги қадриятларимизга келадиган бўлсак, умуминсоний тамойиллар асосида ёндашитиш шаклланган. Бундай қарашнинг вужудга келиши, қадриятларнинг ижтимоий ва маънавий янгиланиши, жамият аъзоларининг камолolti ҳамда уларнинг келажаги учун таъсир этмай қолмайди. Ана шунга кўра, ҳаммада ҳам кадрлаш туйғуси доимо бир хил бўлавермайди.

Биз юқорида айтиб ўтилган глобаллашув инсонларни маълум бир миллат маданиятига кўр-кўрона эргашиш натижасида ўз маданияти, қадриятлари, хаттоки, дини, тилини ҳам унутвориш даражасига олиб бормоқда. Барчамиз севиб томоша қиладиган “Шум бола” кинофильмидаги эпизодга эътибор беринг, бозорда Қоровой ва унинг дўсти бозор айланиб юрганида бир ғарб миллатига мансуб бўлган одам фотоаппаратида икки тугма эвазига болаларга турли беҳаё суръатларни кўрсатади. Шунда шум бола қанчалик шўх бўлишига қарамасдан буни кўришдан бош тортади. Сабаби, унда ўзбек маданияти ва ислом маданияти шакллангани учун кўрқаман деб жавоб беради. Бу ердаги ғарб миллатига мансуб одамнинг ҳозирги кундаги авлодлари томонидан ижтимоий тармоқларда бошқа бир миллатнинг маданиятини қололқлик сифатида баҳолаб, ўз маданиятини жозибали ва замонавий қилиб кўрсатмоқда.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, бугунги кунда бизнинг ўзбек менталитетига мос келмайдиган ҳатти-ҳаракатлар ва бошқа миллат вакилларига тақлидлар ҳам йўқ эмас. Масалан: араб миллатининг кийим бошлари бунгги ёшларнинг кийиниш маданиятига мутлақо мос келмаслиги жамиятда маданиятни емирилишга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда ёшларнинг бўш вақти жамият маданияти, ва маъхнавиятига зарар етказадиган қайсидир тармоқ вакилларининг иш вақтига айланыпти. Бунга мисол қилиб, компьютер ўйинлари, телевидение орқали бериб бориладиган сериаллар ёшларни ўзига жалб қилиши орқали жамиятда уларни маданиятсизликка, маънавиятсизликка олиб келмоқда. Улардан турли юришлар, қарашлар, соч турмақлари, рўмол ўрашлари ва бошқа хатти-ҳаракатларни кўриб, ўзга бир маданият пайдо бўлишига, жамиятда маданиятни емирилишга сабаб бўляпти. Буни олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида, олий таълим муассасаларида медиатаълим, медиасаводхонликни ошириш чоралари курилиши лозим. Бунинг учун эса ана шу таълим масканлари ахборот технологиялари билан тўлиқ жиҳозланиши ва мутахассислар билан таъминланиши керак. Ана шундагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эриша оламиз, келажак авлодларни бугунги кун талаби даражасида камолга етишига ҳисса қўшамиз деб ўйлайман.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Аристотель. Поэтика. Т.1981;
2. Махмудов Т. Гўзаллик ва ҳаёт. Т.1974;
3. Шарқ юлдузи. 2014;
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т., ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. – Фидокор газетаси, 2000 йил 8 июн.